

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2025 йил 6 май куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шаҳар судининг раиси Т.Вахобов, судья ёрдамчиси Ш.Алиёровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Ж.Отажонов, ҳимоячи М.Азимов, судланувчи И.Хожиев ва жабрланувчи Ж.Тўхтасиновларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган Хожиев Исмоилжон Хаётжон ўғлига оид 1-1501-2501/662-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Хожиев Исмоилжон Хаётжон ўғли (Хоҗиёев Исмоилжон Хаётжон о'ғ'ли), 1994 йил 6 май куни Фарғона шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўртамахсус, уйланмаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 19 сентябдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

276-моддаси 1-қисми билан 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жазони ўтамаган, ишламайди, Фарғона шаҳар, Ибн Сино МФЙ, Янги Аср кўчаси, 162-уй, 51-хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 20 апрель куни олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи И.Хожиев 2025 йил 21 март куни соат 15-30ларда ўзи яшаб келаётган Фарғона шаҳар, Ибн Сино маҳалласи, Янги Аср кўчаси, 162-уйнинг олдида қўшниси Ж.Тўхтасинов билан жанжаллашиб кетиб, жанжал давомида Ж.Тўхтасиновни юз соҳасига 2 маротаба боши билан қасддан уриб, ўртача оғир шикаст етказган.

Суд тиббий экспертизасининг 2025 йил 26 март кунги № 1459-сонли хулосасига кўра, Ж.Тўхтасиновда юқори жағ суягини пешона ўсиғини ва бурун суягини чап томонидан ёпиқ синиши, пешона соҳаси юмшоқ тўқималарини лат ейиши, ўнг кўз қовоқлари ва бурун эгари-чап кўз ички бурчагини қонталашлари аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисмлар таъсирида етказилган бўлиб, соғлиқни узоқ муддатга бузилишига олиб келиши ва шу белги асосида ўртача оғирликдаги тан жароҳатлар



тоифасига киришлиги аниқланган.

Судланувчи И.Хожиев судда, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, Ж.Тўхтасинов кўшниси бўлиши, 2025 йил 21 март куни соат 15-30ларда яшаш хонадонидида ухлаётган вақтида, дадаси Х.Хожиевни бақирган овозини эшитиб, уйғониб кетгани ва ташқарига кулоқ солганида дадаси Х.Хожиев кўшниси Ж.Тўхтасинов билан ўзаро гаплашишаётгани, Ж.Тўхтасинов дадасига баланд овозда гапириб, хурматсизлик қилаётганини эшитгани, шундан сўнг у ўрнидан туриб, ташқарига чиққани ва кўшниси Ж.Тўхтасиновни чақирганида, Ж.Тўхтасинов уйдан чиққани ва у Ж.Тўхтасиновдан нима сабабдан дадасига нотўғри муносабатда бўлаётганлигини юзасидан ўзаро гап таллашиб, жанжаллашиб кетишгани, жанжал давомида у жаҳл устида Ж.Тўхтасиновни юз соҳасига боши билан икки марта ургани ва шундан сўнг Ж.Тўхтасинов автомашинасига ўтириб кетиб юборгани, ҳозирда Ж.Тўхтасиновни кечирим сўрагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа қайтарилмаслигини блдириб суддан енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ж.Тўхтасинов судда, судланувчи И.Хожиев ва унинг дадаси Х.Хожиевни 2016 йилдан буён таниши, улар билан кўшни экани, 2025 йил 21 март куни соат 15-30ларда бошқарувидаги “Жентра” русумли автомашинасида бозордан келиб, ўзи яшайдиган кўп қаватли уйнинг ёнига автомашинасини кўйиб, уйига кириб кетаётган вақтида, Х.Хожиев унга автомашинасини чангитмасдан, секинроқ ҳайдашини айтгани, шунда у Х.Хожиевга автомашинасини секин ҳайдаганлигини айтиб жавоб берганида, Х.Хожиев унга гап қайтармаслигини айтиб сўкингани ва у яшаш уйига кириб кетгани, уйига кириб, ойнадан қараб турган вақтида, Х.Хожиевни ўғли И.Хожиев унга пастга тушишини сўрагани ва пастга тушиб, И.Хожиев билан сўрашганида, И.Хожиев уни четроққа олиб боргани ва унга нима сабабдан дадасига хурматсизлик қилганини сўрагани, шунда у И.Хожиевга ҳолат бунақа бўлмаганлигини, аксинча дадаси унга сўкинганлигини тушунтираётган вақтида, И.Хожиев бир маротаба уни бурун ва бир маротаба ўнг қош соҳасига боши билан уриб юборгани, шундан сўнг у автомашинасига ўтириб, у ердан кетиб юборгани ва шифохонага бориб учрагани, ҳозирда у даволанишига 3.330.000 сўм миқдорида пул сафрлагани, бундан ташқари яна операция қилиш учун 5.000.000 сўм миқдорида пул кераклигини билдириб, судланувчи И.Хожиевдан унга етказилган моддий зарарларни ундириб беришни ва И.Хожиевга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ О.Абдуллаева судда, жабрланувчи Ж.Тўхтасинов ўғли экани, 2025 йил 21 март куни соат 15-30ларда уйда бўлган вақтида, ўғли Ж.Тўхтасинов бозордан келгани ва унга кўшниси Х.Хожиев сўкканлигини айтган вақтида, у ўғли Ж.Тўхтасиновга бу ҳолатга эътибор бермаслигини айтгани, бироздан сўнг ўғли Ж.Тўхтасинов яна кўчага чиқиб кетгани ва анча вақт ўтса ҳам қайтиб келмагани сабабли Ж.Тўхтасиновга кўнғироқ қилиб, уйга келишини айтгани, шундан сўнг Ж.Тўхтасинов уйга келган вақтида, ўғлини юз қисми ишиб кетганлигини кўргани ва нима бўлганлигини сўраган



вақтида, ўғли Ж.Тўхтасинов унга Х.Хожиевни ўғли И.Хожиев урганлигини айтгани, шунда у ўғли Ж.Тўхтасиновга шифокорга бориб учрашини айтиб, ўғлини жўнатиб юборганлигини, ҳозирда ўғлини соғлиги тўлиқ тикланмаганлигини, яна операция қилишлари кераклигини, судланувчи И.Хожиевдан ўғлини даволониши учун кетган харажатларни ундириб беришни сўради.

Судланувчи И.Хожиевнинг содир этган жинояти ўзининг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи Ж.Тўхтасинов ва гувоҳ О.Абдуллаеваларнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек, судда текширилган жиноят иши ҳужжатларидаги хабарнома (и.в.6), экспертиза хулосаси (и.в.15-16), ариза (и.в.20), тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиқланди.

Суд, судланувчи И.Хожиевнинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланган ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Суд, судланувчи И.Хожиевга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, юқорида қайд этиб ўтилган Конституция нормаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилиб, уни айбига иқроорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни ҳамда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 19 сентябрдаги ҳукми билан тайинланган озодликни чеклаш жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланган жазога тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни, шунингдек назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик қўшимча мажбуриятини юклашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд, иш бўйича фуқаровий даъво масаласини муҳокама қилиб, судланувчи И.Хожиевдан жабрланувчи Ж.Тўхтасинов фойдасига

3.330.000 (уч миллион уч юз ўттиз минг) сўм моддий зарар ундиришни лозим топади.



Шунингдек, суд, жабрланувчи Ж.Тўхтасиновга қолган моддий зарарларни ундириш юзасидан асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и :

Хожиев Исмоилжон Хаётжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

И.Хожиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан яшаш жойи Фарғона шаҳар, Ибн Сино МФЙ, Янрги аср кўчаси, 162-уй, 51-хонадонни ўқиш ва ишлаш вақтидан ташқари қолган вақтда чиқишини чеклашдан иборат 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида И.Хожиевга тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 19 сентябрдаги ҳукми билан тайинланган 1 йил озодликни чеклаш жазосига тўлиқ кўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

И.Хожиев зиммасига:

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик қўшимча тақиқи юклансин.

Жазо ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Фарғона шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Судланувчи И.Хожиевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи И.Хожиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмидаги маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа оғирроқ турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Судланувчи И.Хожиевдан жабрланувчи Ж.Тўхтасинов фойдасига 3.330.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчига қолган моддий зарарларни ундириш юзасидан асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб ўн сутка ичида шу суд



орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Т.Вахобов

Маъсул судья: Вахобов Тожидин Шарофидинович

